

Шоядки, такводор бўлсаларингиз

Олтинчи қисм

«Эй иймон келтирганлар! Аллохнинг дини аломатларини, харом ойни, аталган қурбонликни, осилган белгиларни ва Роббиларидан фазл ва розилик тилаб Байтул Харомни қасд қилиб қикканларни ўзингизга ҳалол ҳисобламанг. Эҳромдан чиқиб ҳалол бўлсангиз, ов қилсангиз, майли. Масжидул Харомдан тўсгани учун бир қавмни ёмон қўришингиз уларга тажовузкор бўлишингизга олиб бормасин. Яхшилик ва такво йўлида ҳамкорлик қилинг. Гуноҳ ва душманлик йўлида ҳамкорлик қилманг. Аллохга такво қилинг. Албатта, Аллох иқоби шиддатли Зотдир». (Моидда сураси, 2-оят)

«Яхшилик ва такво йўлида ҳамкорлик қилинг, гуноҳ ва душманлик йўлида ҳамкорлик қилманг».

Ушбу мўъжазгина жумла дунёдаги барча ҳамкорликлар учун асосий қоида ҳисобланади. Исломдан аввалги даврда ҳамкорлик қоидаси уругчилик, қабилачилик ва бошқа шунга ўхшаш ўлчовлар асосида бўлар эди. Ўзига яқин бўлган шахс, тоифа, қабилла, давлат ёки халқ нима қилса, унга ҳамкор бўлиш зарур эди. Жумладан, зулм ва душманлик ишларида ҳам.

Ҳозирдаги ноисломий тузумларда худди шундай ҳол кузатиляпти. Манфаат бор жойда ҳар қандай адолат, инсонпарварлик, инсон ҳуқуқлари ва яна бошқа ширлар бир пул бўлиб қолади. Бировнинг ватанини, молу мулкани, ҳақ-ҳуқуқини босиб олганлар жафоқаш бўлиб, ўз ҳақини ҳимоя қилмоқчи бўлганлар фундаменталист, жангари, террорчи бўлиб тураверади. Исломда эса ҳамкорликнинг бош шартини яхшилик ва такводир. Агар шу шарт вужудга келса, ҳамма билан ҳамкорлик қилинаверади. Аммо

каерда гуноҳ ва ёмонлик бўлса, ким бўлишидан катъи назар, ҳамкорлик қилинмайди. Бу ишларнинг ҳаммаси Аллоҳ таолога боғлиқ. Мазкур ишларни амалга оширишда, албатта, такво шарт. Шунинг учун ҳам,

«Аллоҳга такво қилинг!» – деб алоҳида таъкидланмоқда.

Инсон Аллоҳдан кўрканидагина Аллоҳни рози қиладиган ҳамкорликларни амалга оширади. Инсон Аллоҳга такво қилгандагина, ундан яхшилик кутиш мумкин. Кимки яхшилик қилса, ўзигадир. Ёмонлик қилса ҳам, ўзигадир. Аллоҳдан кўрмаган, унинг амрида юрмаганлар билиб қўйсинларки:

«Албатта, Аллоҳ иқоби шиддатли Зотдир».

«Сендан уларга нима ҳалол қилинганини сўрарлар. Сен: «Сизларга пок нарсалар ҳалол қилинди. Овчи итларга ўхшатиб, Аллоҳ сизга ўргатган нарсалардан уларга ҳам ўргатган овчи хайвонларингиз сизга тутиб берган нарсадан енглар. Уларга Аллоҳнинг исмини зикр қилинглар. Аллоҳга такво қилинглар. Албатта, Аллоҳ ҳисоби тезкор Зотдир, деб айт!» (Моида сураси, 4-оят)

«Аллоҳнинг сизга берган неъматини ва сиздан олган аҳдини эсланг. Ўзингиз: «Эшитдик ва итоат қилдик», дегансиз-а?! Ва Аллоҳга такво қилинг. Албатта, Аллоҳ кўкраклардаги нарсани ҳам билгувчи Зотдир». (Моида сураси, 7-оят)

«Ва Аллоҳга такво қилинг».

Ундан кўркинг. Сиз Аллоҳга такво қилганингиздагина, дилингиздаги иймон кучли бўлади ва зохирдаги ишингизни унинг тақозосига мувофиқ қиласиз. Агар такво бўлмаса, тил билан чиройли гапларни гапириб қўйиб, амалда унинг тесқариси қилинаверади. Шунинг учун ҳам тилдан чиққан ҳар бир нарсага ишониб бўлмайди. Дилда ҳақиқий иймон бўлсагина, шариат аҳкомларига тўлиқ амал қилинади. Одамлар ўзларича тилда иймон – Исломига оид гапларни гапириб, ҳаммани оғзиларига қаратганларидан хурсанд юрибдилар.

«Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳ учун ҳақда туринг, адолатли гувоҳ бўлинг. Бир қавмни ёмон кўришингиз сизни уларга нисбатан адолат қилмасликка олиб бормасин. Адолат қилинг. Бу таквога оид ишдир. Аллоҳга такво қилинг. Албатта, Аллоҳ қилаётган амалингиздан хабардор Зотдир». (Моида сураси, 8-оят)

«Адолат қилинг. Бу таквога оид ишдир».

Қалбида таквоси бор инсонга унинг Аллоҳдан хабардорлиги, Яратганнинг розилигини топишга уриниш ҳисси соф адолат учун ҳаракат қилишига туртки бўла олади.

«Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳнинг сизга берган неъматини эсланг. Бир қавм сизга қўл узатмоқчи бўлганида, У уларнинг қўлларини сиздан қайтарган эди. Ва Аллоҳга такво қилинг. Мўминлар Аллоҳга таваққал қилсинлар». (Моида сураси, 11-оят)

«Мусулмонларга қўл чўзмоқчи бўлган қавм» кимлар эканлиги ҳақида турли ривоятлар бор. Аммо муҳаккик уламоларимиз бу қавм Худайбия ходисаси пайтида Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламни ва мусулмонларни гафлатда қолдириб, қириб ташламоқчи бўлган мушриклар гуруҳи эканини таъкидлаганлар.

«Эй, иймон келтирганлар! Аллохга такво килинглари ва Унга васийла ахтарингиз ҳамда Унинг йўлида жиход килинги. Шоядки, ютукка эришсангиз». (Моиди сураси, 35-оят)

Аллохнинг амрига итоат килмасликнинг оқибати нима бўлиши билинди. Энди сиз, эй иймон келтирганлар,

«Аллохга такво килинглари ва Унга васийла ахтарингиз».

Дунёда кўркиш лозим бўлган ягона Зот Аллохдир. Бу хавф эса инсон каромати – хурмат-эътиборига лойик хавфдир. Качонки инсонларда Аллохдан кўркиш хисси – такво хисси бўлмас экан, ҳеч қандай қонун, ҳеч қандай тузум одамларни ёмонликдан саклаб тура олмайди. Кўйилган миришаб ёки жосуслар назоратидан қочиб, олдингидан ҳам баттар ишларни қилаверадилар. Инсонда такво бўлса-чи? Унда ҳар бир инсон ўзига ўзи кўрикчи ва қузатувчи бўлади. Ҳеч қим уни назорат қилмасам ҳам, ҳеч қим кўрмаётган бўлсам ҳам, ёмонлик қилмайди.

«Унга васийла ахтарингиз ҳамда Унинг йўлида жиход килинги».

Яъни Аллохга яқин бўлиш, махбуб бўлиш йўлини ахтарингиз. Ҳамда Аллохнинг йўлида қуч-гайрат сарфлангиз, жиход килинги. Шунда:

«Шоядки, ютукка эришсангиз».

«Уларнинг изларидан Ийсо ибн Марямни ўзидан олдинги Тавротни тасдиқловчи қилиб юбордик. Унга Инжилни бердик. Унда ҳидоят ва нур бор. У ўзидан олдинги Тавротни тасдиқлагувчидир. У такводорлар учун ҳидоят ва мавъизадир». (Моиди сураси, 46-оят)

«У такводорлар учун ҳидоят ва мавъизадир».

Ҳа, илохий китоблардаги ҳидоятдан манфаат топиш учун такволи бўлиш керак. Бу китоблардаги ҳидоят ва нурнинг фойдаси таквоси борларга тегади. Такводан холи, гафлат босган қалбларга эса бу нур ва ҳидоят қириб қолмайди. Аллох туширган китобда ҳидоят мавжудлиги аниқ, нур мавжудлиги аниқ, энди ўша ҳидоят ва нурдан манфаат топиш учун очик-ҳассос қалб керак. Таъсирчан қалб керак. Могор босиб, тошга, кесакка айланган қалб керак эмас.

«Эй, иймон келтирганлар! Динингизни масҳара ва ўйин қилиб олган сиздан олдин китоб берилганлар ва қуфр келтирганларни валий – дўст тутманг. Агар мўмин бўлсангиз, Аллохга такво килинг». (Моиди сураси, 57-оят)

«Агар мўмин бўлсангиз, Аллохга такво килинг», – демокда.

Ҳақиқий мўмин киши Аллохдан кўркади – такво қилади. Такво эса ўз навбатида, қофирларни дўст тутмасликни тақозо этади.

«Агар аҳли китоблар иймон келтириб, такво қилганларида эди, уларнинг

гунохларини ювган ва жаннати наъиймга киритган бўлардик». (Моидда сураси, 65-оят)

Ахли китобларнинг бурчи иймон келтириш эди. Аллох амр килган нарсаларга иймон келтирганларида лозим ишни адо этган бўлардилар. Иймонлари хакикий бўлиб, уларни таквога чорлаганда эди, олий мақсадга мувофик бўларди. Аллох таоло уларнинг бу ишларини такдирлаб, гунохларини ювар ва уларни жаннати наъиймга – неъматлар жаннатига киритган бўларди.

Аллох, бизни яхшилик ва такво йўлида хамкорлик киладиган бандаларингдан кил. Гунох ва душманлик йўлида хамкорлик киладиганлардан килма. Эшитдик ва итоат килдик, такводорлардан кил.

Илохим, адолат таквога оид иш экан, бизни доимо адолат килишда баркарор килгин. Парвардигор, такво килишда ва Ўзингга васийла ахтаришда хамда Сенинг йўлингда жиход килишда мадодкор бўл. Шоядки, ютукка эришсак.

Динимизни масхара ва ўйин килиб олган биздан олдин китоб берилганлар ва куфр келтирганларни валий – дўст тутишдан Ўзинг асра!